

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 46 (1370) • 2020 йил 17 ноябрь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Таълим тўлови имтиёздан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари

2-3-бетлар

Корхонани мулккий мажмуа сифатида сотишнинг солиқ оқибатлари

4-бет

Жисмоний шахслар даромадидан тўлайдиган солиқлар

5-6-бетлар

КўЧАР МОЛ-МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНДИ?

Экспертимиз масалага ойдинлик киритади

7-бет

ҚҚС: ҳисобга олинди, ҳисобдан чиқарамиз

8-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

9-10-бетлар

Биз ижарага олган офиснинг ярмида таъмирлаш ишлари кетмоқда. Ижара ҳақини камайтира сана бўладими?

11-бет

Давал хом ашёси ва ўзининг хом ашёсидан фойдаланишда ҚҚС қандай ҳисобланади?

12-бет

Божхона божининг ноль даражали ставкаси қандай асбоб-ускуналарга нисбатан қўлланилади

15-бет

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

### СОЛИҚ КОДЕКСИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛДИ

9.11.2020 йилдаги ЎРҚ-646-сон Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Солиқ кодексининг айрим нормаларига ўзгартиришлар киритилди:

1) СКнинг 344-моддаси 2-қисмида маблағларни депозитга жойлаштиришдан фойзалар назарда тутилганлиги аниқлаштирилди. Бинобарин, ушбу норма бошқа турдаги фойзаларга татбиқ этилмайди. Яъни мамлакатнинг солиқ резидентлари ҳисобланган юридик шахслар томонидан нотижорат ва бюджет ташкилотларига депозитга маблағларни жойлаштиришдан тўланадиган фойзаларга:

- тўлов манбаида 15%лик ставка бўйича фойда солиғи солинади;
- бундай даромад олувчиларнинг солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланиш лозим;

2) жисмоний шахснинг жами даромадини аниқлаш тартибига тузатишлар киритилди:

а) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (ойланнинг бетоб аъзосини парвариш қилиш бўйича нафақа) бўйича даромади жами даромадга киритилади. Давлат пенсиялари, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, илгаригидек, жами даромадга қўшилмайди;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия, экология жамғармалари ва Президентнинг қарорлари билан ташкил этилган бошқа жамғармалар томонидан кўрсатилган ёрдам солиқ тўловчининг даромади сифатида қараладими:

• уставда назарда тутилган фаолият доирасида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар;

• даволаш ва тиббий хизматлар қиймати, ногиронларни профилактика ва реабилитация қилиш учун техник асбоб-ускуналар олиш;

• жисмоний шахснинг манфаатларини кўлаб, товарлар ва хизматларни етказиб берувчидан олиш;


• хайрия мақсадида бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш (бундан пул шаклида қўллаб-қувватлаш мустасно);

3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга берилдиган нафақалар, шунингдек пул маблағлари тарзидаги ёрдамнинг бошқа турлари, бироқ солиқ даври мобайнида 15 млн сўмдан ошмаган ҳолда кўрсатилганда, улар солиқ (ЖШДС) солишдан озод этилади.



2 ва 3-бандлардаги қоидалар орқаса қайтиши кучига эга – улар 2020 йил 1 апрелдан юзга келган муносабатларга ҳам татбиқ этилади (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон Фармоннинг 6-банди).

**Тахририятдан:** бир қатор қонунларга уларни куйидагиларга мувофиқлаштиришга қаратилган тузатишлар киритилди:



а) янги тахрирдаги Солиқ кодексига (ЯИТ ва ЯЕСни бекор қилиш, сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудитини жорий қилишга доир нормаларга);

б) Президентнинг: 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармонига (тадбиркорлик субъектларида текширувларни тайинлаш ва ўтказишнинг умумий жиҳатларига доир);

2019 йил 15 мартдаги «Тадбиркорлик фаолиятини химоя қилиш тизимини тбдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5690-сон Фармонга (тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштиришга доир).

Хўжжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.11.2020 йилдан кучга кирди.

Олег ЗАМАНОВ,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИ СЕРТИФИКАТЛАНГАН БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Вазирлар Маҳкамасининг 11.11.2020 йилдаги 712-сон қарори билан Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш ва электр қурилмалари хавфсизлик техникаси қоидалари тасдиқланди.

Ҳужжат Президентнинг 19.05.2020 йилдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5997-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Қарор билан куйидагилар тасдиқланди:

- Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш (ТЭҚ) қоидалари;
  - Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари.
- ТЭҚ идоравий мансублигидан ва мулкчилик шак-

лидан қатъи назар, барча юридик шахсларга, электр энергияси истеъмолчилари учун мажбурийдир. Қоидалар электр энергияси истеъмолчилари электр қурилмаларини ишончли, хавфсиз ва самарали эксплуатация қилишни таъминлаш учун ишлаб чиқилган ҳамда электр қурилмаларни эксплуатация қилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи муҳандис-техник ходимлар учун мўлжалланган.

Истеъмолчиларнинг янгидан монтаж, реконструкция ва модернизация қилинган электр қурилмалари амалдаги Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларига мувофиқ бажарилган бўлиши, шунингдек мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт. Сертификатланмаган электр ускуналаридан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш ман этилади. Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларига махсус тайёргарликдан ўтган электротехниклар томонидан хизмат кўрсатилади.

Корхонада мулкчилик шаклидан қатъи назар, электротехник ходимлар хизмати ташкил этилади ёхуд электр қурилмаларига хизмат кўрсатишни шартнома бўйича ихтисослаштирилган ташкилот амалга ошириши лозим.


Корхона ёки ташкилот ходими электр қурилмаларидан фойдаланиш жараёнида ҳаёти учун хавф туғдирадиган ҳолат юзга келганда, шу жумладан механизмлар, ускуналар ва химоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганда бу ҳақда бевосита бошлиғига ёки корхона раҳбарига хабар бериши лозим.

Хўжжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.11.2020 йилдан кучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

## ТАЪЛИМ ОЛИШ УЧУН ТЎЛОВ: СОЛИҚ ЧЕГИРМАСИДАН ТЎЛИҚ ҲАЖМДА ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрларида таълим олиш (ўзининг, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўловга йўналтириладиган даромадларига солиқ солинмайди (СК 378-м. 16-б.). Қандай ҳолатларда мазкур имтиёздан тўлиқ ҳажмда, қандай ҳолатларда эса қисман фойдаланиш мумкин? ДСҚнинг солиқ солиш бўйича маслаҳатлар бошқармаси катта инспектори Евгения ГУСАКОВА ва «Norma» компанияси эксперти Ольга БУСАРОВА амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган вариантларни тушунтириб бердилар.



– Ушбу масалага оид барча амаллар Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ рўйхат рақами 2107, 27.05.2010 й.) асосланади.

Амалиётда кўпинча жавоб излашда Низомнинг 8-бандига амал қилинади. Унда шундай дейилган: ҳисобот солиқ даврида солиқ чегирмасини тўлиқ қўллашнинг имкони бўлмаса (жами йиллик даромад суммаси таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасидан кам бўлса), унинг қолдиғи

кейинги солиқ даврларига кўчирилмайди. Бирок, Низомни эътибор билан ўқиладиган бўлса, вариантларни топиш мумкин...

Низомнинг 4-бандини оладиган бўлсак, унда ўқиш учун тўлов куйидагилар ҳисобидан амалга оширилганда солиқ чегирмаси қўлланилиши назарда тутилган:

- ўз маблағлари;
- жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари;
- юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (ссудалар).

### Ходимнинг таълим тўловини бирйўла ўз ҳисобидан тўлаганда

У ўқиш учун харажатларни жисмоний шахсларнинг нақд пуллари, банклардаги омонатлари ва бошқа ҳисобрақамларидаги маблағлари ҳисобига ёки пластик карталарни қўллаган ҳолда қоплаши мумкин. Мазкур ҳолатда солиқ чегирмаси декларация асосида қўлланилади. У

муайян йил (солиқ даври) учун ушбу даврда олинган (ҳисобланган) жами даромадга асосан ҳисобланади. Шу боис ҳисобот йилида фойдаланилмаган солиқ чегирмаси (имтиёзи) қолдиғи кейинги йилларга кўчирилмайди.

**МИСОЛ.** Таълим олиш учун тўлов тўлашда имтиёзни қўллаш. Ходим 2020–2021 ўқув йилида ўз ўқув юртида таълим олиши учун 12 227 940 сўм тўлаши лозим. Бунда 2020 йил учун унинг солиқ солинадиган жами даромади 10 млн сўмни ташкил этиши кўриниб турибди. Айтмайлик, ходимда жами даромадининг ҳаммасини фарзандининг ўқиши учун йўналтириши имконияти мавжуд. Мазкур ҳолатда 2020 йилда фойдаланилмаган, 2 227 940 сўм миқдоридagi солиқ чегирмаси (имтиёзи) қолдиғи кейинги йилларга кўчирилмайди.

Бирок, оила бюджетини тўғри режалаштирилса, имтиёздан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш мумкин бўлади.

### Ходим ўқиш учун тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганда

Олий ўқув юртида ўқиш учун тўлов тўлаш тизимида 2020 йил мобайнида тўловнинг ярмини, ўқишнинг 2-семестрида эса иккинчи ярмини тўлаш имконияти назарда тутилган.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур ҳолатда кейинги йилда ҳам имтиёздан фойдаланиш учун 2021–2022 ўқув йили учун тўлов бўйича харажатларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

### Талабанинڭ ўқиши учун тўловни қариндошлари тўлаганда

26 ёшгача бўлган талабанинڭ таълим олиши учун тўлов чегирма олиш ҳуқуқига эга бўлган барча оила аъзолари: талабанинڭ ўзи, отаси, онаси, эри/хотини томони-

дан тўланиши мумкин (СК 378-м. 16-б.). Мазкур ҳолатда декларацияни имтиёзни қўллаган шахснинг ўзи (ҳар бир шахс ўзи учун) топшириши лозим.



#### УШБУ СОНДА:

##### • КОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Солиқ кодексига тузатишлар киритилди  
– Корхона ва ташкилотлардаги электр қурилмалари сертификатланган бўлиши лозим **1-бет**

##### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Таълим олиш учун тўлов: солиқ чегирмасидан тўлиқ ҳажмда қандай фойдаланиш мумкин  
– Талабага ўқиш учун ҳақ тўлашнинг солиқ оқибатлари  
– Имтиёзни қўллашда ёшдаги чекловлар

– Корхонани сотишда қандай солиқлар тўланади?

– Кўчар мол-мулк билан боғлиқ хизматларни реализация қилиш жойи қандай аниқланади?

– Ҳисобга олинган ҚҚСни қачон ҳисобдан чиқариш зарур? **2-4, 7-8-бетлар**

##### • БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– 2020 йилнинг ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти **5-6-бетлар**

##### • ЎЗБЕКИСТОН КОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

– «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).

##### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» **9-10-бетлар**

##### • ЮРИСТ МАСЛАҲАТИ

– Таъмирлаш ишлари туфайли ижара ҳақларини қандай қилиб тўғри қамайтириш мумкин? **11-бет**

##### • ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Давал хом ашёсини қайта ишловчи ҚҚСни қандай ҳисоблаб чиқаради?

– Қарзлар бўйича фойзалар: тўлов муддатлари **12-бет**

##### • АМАЛИЙ ТАКЛИФ

– Оммавий оферта

**13-14-бетлар**

##### • БОЖХОНА

– Дори – дармон, даромад манбаи эмас

– Экологик сертификациянинг ўзига хос жиҳатлари

– Асос – Солиқ кодексининг моддаси

– Брутто – товарнинг умумий оғирлиги, бунга поддонлар ҳам киради

– АҚШ Ўзбекистонга божхона божсиз савдо режимини тақдим этди **14-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Солиқ органи ўзида мавжуд маълумотлар ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида мустақил равишда солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахслар томонидан солиқ чегирмаси кўринишидаги имтиёз суммаси қўлланилганлигини аниқлайди (Низомнинг 18-банди).

Солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар битта ДСИда ҳисобда турмаган тақдирда, улар декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда солиқ чегирмасини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахслар томонидан со-



лик чегирмаси тарикасидаги имтиёз суммаси қўлланилмаганлиги тўғрисидаги маълумотномани (маълумотномаларни) тақдим этадилар (Низомнинг 19-банди).



#### Талабанинг ўқиши учун тўловни бир вақтнинг ўзида бир неча шахс тўлаганда қандай йўл тутилади?

Амалётда амалга оширишнинг имкони бўлган вариант – талабанинг ўқиши учун бир вақтнинг ўзида бир неча шахс (масалан, 50%ини – отаси, 50%ини – эри ёки хотини) томонидан тўлов тўланиши, афсуски, қонун ҳужжатларида қайд этилмаган. Бундай қилиб бўлмайди, чунки таълим учун тўлов тўлаган ҳар бир шахснинг улушини ҳисобга олиш масаласи очиқлигича қолмоқда. Улардан қай бири ўзи ўтказган суммага имтиёз қўлланилмаганлигини қандай исботлаб бериши мумкин?

Солиқ идорасидаги манбадан маълум бўладикки, мазкур ҳолатда имтиёзни қўллаш механизми пухта ишлаб чиқиши лозим. Келгусида у бўйича алоҳида тушунтиришлар берилади.

#### Ходим ўқиш учун тўловни банк кредити ёки юридик шахсдан олинган қарз ҳисобига тўлаганда

Низомнинг 8-бандида назарда тутилган норма ушбу иккала вариантга татбиқ этилмайди, бинобарин, қолдиқни кейинги йилларга кўчириш мумкин. Бу иш ҳақи ҳисобидан таълим учун ҳақ тўлашга олинган таълим кредитлари ва (ёки) ссудаларни бериш бўйича шартномаларда, хусусан, кредит ва ссудаларни 1 йилдан (солиқ давридан) ортик давом этадиган сўндириш графиги назарда тутилиши билан изоҳланади.

Бундай ҳулосани Низомнинг 6-банди ҳам тасдиқлайди, унда

шундай дейилган: солиқ чегирмаси 2010 йилнинг 1 январидан кейин ўтказилган ўқиш учун тўлов суммаларига берилди. Ўқиш учун тўлов юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шартли билан берилган маблағлар ҳисобига 2010 йилнинг 1 январига қадар амалга оширилган ҳолларда, солиқ чегирмаси 2010 йилнинг 1 январидан кейин юридик шахслар томонидан берилган ссудаларни қоплаш ҳисобига ушлаб қолинган маблағлар суммасига берилди.

#### МИСОЛ. Ўқиш учун тўловни банк кредити ҳисобидан тўлаш

2020 йил сентябрда талаба банкдан 12 227 940 сўм миқдоридида таълим кредитини олган, ушбу кредит талабанинг отасининг иш ҳақи ҳисобидан сўндирилади.

2020 йил охирига қадар 5 млн сўм миқдоридидаги кредит суммаси сўндирилади ва ушбу суммага солиқ чегирмаси қўлланилади. 2020 йилда сўндирилмаган 7 227 940 сўмлик кредит суммаси кейинги йилларда сўндирилади.

#### МИСОЛ. Ўқиш учун тўловни корхонадан олинган қарз ҳисобига тўлаш

2020 йилда корхона томонидан ходимга қизининг ўқишига тўлов тўлаш учун 12 227 940 сўм миқдоридида қайтариш шартли билан фойсиз қарз берилди.

Шу йилнинг ўзидаёқ бухгалтерия томонидан ходимнинг иш ҳақидан 5 млн сўм ушлаб қолинади. Сўндирилмаган қарз қолдиғи кейинги йилларда сўндирилади.

Юқорида келтирилган иккала мисолда ҳам бухгалтерия тақдим этилган кредит ёки қарзни сўндириш ҳисобига юридик шахслардан ушлаб қолинган маблағлар суммасига солиқ чегирмасини (имтиёзни) солиқ давридан қатъи назар, иш ҳақидан бундай ушланмалар ушлаб қолинган ойда қўллашди.

Олег ГАЕВОЙ тайёрлади.

## ТАЛАБАГА ЎҚИШ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Корхона ходими ҳисобланмайдиган талабанинг магистратурада ўқиши учун ҳақ тўлашга тўғридан-тўғри шартнома тузди. Тўлов қиймати корхона харажатларига киритилади.

Бунда корхона ва жисмоний шахс учун қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

– ЎзР олий ўқув юртида талабанинг ўқиши учун корхона ҳисобидан ҳақ тўлашнинг солиқ оқибатлари ушбу корхона мутахассисни ўзи учун тайёрлаётганлиги ёки келгусида корхонада унга эҳтиёж бўлиш-бўлмаглигига боғлиқдир.

Корхонада ушбу мутахассисга эҳтиёж мавжуд бўлиб, уни ўзи учун тайёрлаётган бўлса, 3 томонлама (олий ўқув юрти-корхона-жисмоний шахс ўртасида) шартнома тузилиши ва унинг шартларида жисмоний шахс ўқишни тамомлаганидан сўнг муайян давр мобайнида корхонада ишлаб бериши назарда тутилиши лозим. Мазкур ҳолатда:

- жисмоний шахснинг ўқиши учун ҳақ тўланиши унинг учун даромад ҳисобланмайди ва унга солиқ солинмайди (СК 369-м. 2-қ. 12-б.);

- умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхоналар учун мазкур харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар ҳисобланади (СК 305-м. 1-5-қ.). Айланмадан олинмадиган солиқни тўловчилар учун солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Корхона ҳар қандай жисмоний шахсга унинг олий ўқув юртида ёки бошқа таълим муассасасида ўқиши учун қайтармаслик шартли билан тўлов тўлашга ҳақли. Корхонада жисмоний шахсни ўқи-

тишга зарурат бўлмаганда, бундай тўлов:

- тўлов манбаи бўлган солиқ агентидида солиқ солинадиган жисмоний шахснинг моддий наф тарзида олинган даромади ҳисобланади (СК 376-м. 1-қ. 1-б., 387-м. 1-қ. 2-б.).

Жисмоний шахс корхона билан ўзининг ёзма шаклдаги аризасига асосан меҳнат меҳнатга оид муносабатларда бўлмаганлиги сабабли ЖШДС ушлаб қолинмаслиги мумкин. Бунда даромад олган жисмоний шахс йил якунлари бўйича даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшириши ва солиқни тўлаши шарт (СК 387-м. 2-қ.). Мазкур ҳолатда корхона томонидан солиқ даври тугаганидан кейин 30 кун ичида ўзларининг солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ушбу жисмоний шахсга даромад тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади (СК 389-м. 1-қ. 1-б.);

- умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхоналар учун мазкур харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 3-б.). Айланмадан олинмадиган солиқни тўловчилар учун солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.


## ИМТИЁЗНИ ҚЎЛЛАШДА ЁШДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

**?** Бухгалтерияга корхона ходими турмуш ўртоғининг Ўзбекистон олий ўқув юртидаги ўқиши учун ҳақ тўлашни сўраб мувозабат қилди. Унинг ўзи ҳам сиртқи бўлимда ўқийди ва иш ҳақи ҳисобидан контракт пулини тўлайди. Уларнинг ёшлари 26 ёшдан ошган. Улар 2020 йилда ўқиш учун тўлов тўлашда имтиёздан фойдаланиши мумкинми?

– Ёшдан қатъи назар, фақат ўқийдиган ходим имтиёздан фойдаланиши мумкин. Ходим томонидан турмуш ўртоғининг ўқиши учун тўлов тўланганда имтиёз қўлланилмайди, сабаби ёшдаги чекловлар мавжуд. ЖШДС бўйича имтиёз Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртида таълим олиш (ўзининг, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов тўлашга йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига татбиқ этилади (СК 378-м. 16-б.).

Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон Республикаси  
қонунчилиги

www.norma.uz

# КОРХОНАНИ СОТИШДА ҚАНДАЙ СОЛИҚЛАР ТЎЛАНАДИ?

ДСК мутахассиси Назоқат ХОЛМАТОВА корxonани мулкый мажмуа сифатида сотишнинг солиқ оқибатлари хақида сўзлаб берди.

– Корxonани сотиш шартномаси бўйича сотувчи корxonани мулкый мажмуа сифатида, бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларини истисно этган ҳолда, харидор мулкига бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади (ФК 489–496-м.).

Корxonани сотиш шартномасида унинг таркиби ва қийматини баҳолаш белгиланади. Шартнома имзолангунга қадар қуйидагилар расмийлаштирилиши лозим:

- инвентарлаш далолатномаси;
- бухгалтерия баланси;
- аудиторлик хулосаси;
- баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот;
- корxonа таркибига киритиладиган барча қарз мажбуриятлари рўйхати, бунда кредиторлар, қарз тури, миқдори ва талаб этиладиган муддатлари кўрсатилади.

Корxonани топширишда қуйидагиларни расмийлаштиринг:

• топшириш далолатномаси, унда

корxonа таркиби тўғрисидаги маълумотлар, кредиторлар корxonа сотилаётганлигидан хабардор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, аниқланган мол-мулк қамоматида ҳақидаги маълумотлар, йўқотилганлиги туфайли топширишнинг имкони бўлмайдиган мол-мулк рўйхатини кўрсатинг (ФК 493-м.);

• жамланма ҳисоббарак-фактурани расмийлаштиринг, унда корxonа сотилган нархни кўрсатинг. Ушбу ҳужжатда асосий воситалар, номоддий активлар, бошқа турдаги мол-мулк, дебиторлик қарзи суммаси, қимматли қоғозлар қиймати, баланс активларининг бошқа позицияларини мустақил позицияларга ажратиб кўрсатинг. ҚҚС солинадиган, реализация қилинадиган ҳар бир мол-мулк тури бўйича солиқ ставкасини ва солиқ суммасини кўрсатинг (СК 251-м. 6–9-қ.).

Корxonани сотишнинг солиқ оқибатларини кўриб чиқамиз.

## Кўшилган қиймат солиғи

Корxonани мулкый мажмуа сифатида реализация қилишда ҚҚС бўйича солиқ базаси ҳар бир мулк объекти бўйича солиқни ўз ичига оладиган уни реализация қилиш нархи миқдоридан алоҳида-алоҳида аниқланади (СК 251-м. 1-қ.).

Корxonани реализация қилиш нархи берилаётган мол-мулкнинг баланс қийматидан фарқ қиладиган бўлса, ҚҚС суммасини аниқлаш учун қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланадиган тузатувчи коэффициент қўлланилади:

1) реализация қилиш нархи мол-мулкнинг баланс қийматидан паст бўлса,

$\text{тузатувчи коэффициент} = \frac{\text{корxonани реализация қилиш нархи}}{\text{мол-мулкнинг баланс қиймати}}$

2) реализация қилиш нархи мол-мулкнинг баланс қийматидан юқори бўлса,

$\text{тузатувчи коэффициент} = \frac{\text{корxonани реализация қилиш нархи} - \text{дебиторлик қарзи} - \text{қимматли қоғозлар қиймати}}{\text{мол-мулкнинг баланс қиймати} - \text{дебиторлик қарзи} - \text{қимматли қоғозлар қиймати}}$

**!** Тузатувчи коэффициентни ҳисоблашда қимматли қоғозлар қиймати бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган тақдирдагина чегирилади (СК 251-м. 3-қ.).

Ҳар бир мол-мулк турини реализация қилиш нархи = баланс қиймати x тузатувчи коэффициент (СК 251-м. 4-қ.).

**!** Корxonани реализация қилиш нархи берилаётган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлса, илгари қайта баҳоланган қимматли қоғозларнинг қийматига ҳамда дебиторлик қарзига тузатувчи коэффициент қўлланилмайди.

## МИСОЛ. Корxonани мулкый мажмуа сифатида берилаётган мол-мулкнинг баланс қийматидан юқори нархда сотиш


Корxonа 3 450 млн сўм нархида сотилди, ушбу суммага ҚҚС киритилган.

Берилаётган мол-мулкнинг баланс қиймати 3 100 млн сўмни ташкил этади, шу жумладан:

- асосий воситалар – 2 550 млн сўм;
- қимматли қоғозлар – 100 млн сўм (бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган);
- материаллар – 50 млн сўм;
- тайёр маҳсулот – 150 млн сўм;
- дебиторлик қарзи – 250 млн сўм.

Тузатувчи коэффициент:  $(3\,450 - 250 - 100) / (3\,100 - 250 - 100) = 1,12727273$ .

Мол-мулк турлари кесимида ҚҚСни ҳамда ҚҚСсиз реализация қилиш нархини ҳисоблаймиз:



(млн сўм)

Мол-мулк тури	Баланс қиймати	Реализация қилиш нархи ҚҚСсиз (тузатувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда)	ҚҚС суммаси	Реализация қилиш нархи ҚҚСсиз
1	2	$3 = 2 \times \text{тузатувчи коэффициент}$	$4 = 3 / 115 \times 15$	$5 = 3 - 4$
Асосий воситалар	2 550	2 874,55	374,94	2 499,61
Қимматли қоғозлар (қайта баҳоланган бозор қиймати бўйича)	100	100 (тузатувчи коэффициент қўлланилмайди)	ҚҚСсиз (СК 244-м. 1-қ. 3-б.)	100
Материаллар	50	56,36	7,35	49,01
Тайёр маҳсулот	150	169,09	22,06	147,03
Дебиторлик қарзи	250	250 (тузатувчи коэффициент қўлланилмайди)	32,61	217,39
<b>ЖАМИ</b>	<b>3 100</b>	<b>3 450</b>	<b>436,96</b>	<b>3 013,04</b>

## Фойда солиғи

Корxonани мулкый мажмуа сифатида сотиш нархи ва унинг соф активлари (мажбуриятларни чегирган ҳолда активлар) қиймати ўртасидаги фарқ сотувчининг даромади ёки харажати деб эътироф этилади. Бундай фарқ топшириш далолатномасига асосан аниқланади.

Корxonани мулкый мажмуа сифатида сотишдан олинган даромад ялли даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 23-б.).

Корxonани мулкый мажмуа сифатида реализация қилишдан кўрилган зарар реализация қилинганга (чиқиб кетганига) ўхшаш бўлган активларни реализация қилишдан (чиқиб кетишдан) олинган даромад ҳисобига компенсация қилинади (СК 323-м.

4-қ., 336-м. 1-қ.). Бунинг учун Фойда солиғи ҳисоб-китобига 8-«Алоҳида турдаги операциялар бўйича зарарларни кўчиришнинг ўзига хос хусусиятлари» иловаси (3-илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.) назарда тутилган.

Келтирилган мисолда зарар юзга келган:  $(3\,450 - 436,96) - 3\,100 = 3\,013,04 - 3\,100 = -86,96$  млн сўм. У чегирладиган харажатларга киритилмайди, балки ўхшаш активларни реализация қилишдан (чиқиб кетишдан) олинган даромадлар ҳисобига компенсация қилиниши мумкин.

Корxonани реализация қилишдан кўрилган зарарни, улар олинган солиқ даврдан кейинги 10 йилга кўчириш мумкин (СК 336-м. 6-қ.).

## Айланмадан олинадиган солиқ

Корxonани мулкый мажмуа сифатида сотишдан олинган даромад жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 23-б., 463, 464-м.).

Айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблашда корxonани мулкый мажмуа сифатида реализация қилишдан кўрилган зарар ҳисобга олинмайди.

## РЕКЛАМА


### «КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимарзон кўч., 1/1.

Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz. web: www.norma.uz





## 2020 ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ\*

### Ноябрь ойида иш соатлари сони:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 168;

6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 167;

36 соатлик иш ҳафтасида – 150.

### Иш кунлари сони:

5 кунлик иш ҳафтасида – 21;

6 кунлик иш ҳафтасида – 25.

- Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизалар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИХ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) жорий этилди. 2020 йил январь ойида МҲЭKM 634 880 сўми (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан – 679 330 сўми (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

### I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь-ноябрь ойларида эъами даромади – 12 800 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 x 10).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

$12\ 800\ 000 \times 12\% = 1\ 536\ 000$  сўмга тенг.

Январь-октябрь ойларида 1 395 600 сўм ушлаб қолинган. Ноябрь ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (1 536 000 – 1 395 600) тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 12 800 сўми (12 800 000 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-октябрь ойлари учун ШЖБПҲга 11 630 сўм ўтказилган, ноябрь ойи учун ажратмалар 1 170 сўми (12 800 – 11 630) ташкил этади.

Ноябрь ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

\*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1326)-сонда, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сонда, март ойи учун 24.03.2020 йилдаги 12 (1336)-сонда, апрель ойи учун 21.04.2020 йилдаги 16 (1340)-сонда, май ойи учун 26.05.2020 йилдаги 21 (1345)-сонда, июнь ойи учун 23.06.2020 йилдаги 25 (1349)-сонда, июль ойи учун 21.07.2020 йилдаги 26 (1353)-сонда, август ойи учун 18.08.2020 йилдаги 33 (1357)-сонда, сентябрь ойи учун 22.09.2020 йилдаги 38 (1362)-сонда, октябрь ойи учун 20.10.2020 йилдаги 42 (1366)-сонда чоп этилган.

## II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

### 1-ВАЗИЯТ

**Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 800 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса – 1 920 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-ноябрь ойлари учун жами даромад – 21 000 000 сўм (1 800 000 + 1 920 000 x 10).*

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

21 000 000 – (634 880 x 1,41 + 679 330 x 1,41 x 10) = 10 526 266,2 сўмга тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

10 526 266,2 x 12% = 1 263 151,94 сўм.

Январь-октябрь ойларида 1 147 694,58 сўм солиқ ушлаб қолинган. Ноябрь ойи учун солиқ суммаси 115 457,36 сўмга (1 263 151,94 – 1 147 694,58) тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 10 526,27 сўмини (10 526 266,2 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-октябрь ойларида ШЖБПҲга 9 564,12 сўм ўтказилган, ноябрь ойи учун ажратмалар 962,15 сўмини (10 526,27 – 9 564,12) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,21 сўм (115 457,36 – 962,15) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,64 сўм (1 920 000 – 115 457,36) иш ҳақи олади.

### 2-ВАЗИЯТ

**Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-октябрь ойлари учун жами даромад – 9 300 000 сўм.*

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-ноябрь ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

(634 880 x 1,41) + (679 330 x 1,41 x 10) = 10 473 733,8 сўм.

Ходимнинг даромеди (9 300 000 сўм) имтиёз суммасидан (10 473 733,8 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-ноябрь ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

### 3-ВАЗИЯТ

**Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.*

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган кўйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд солиққа бошқача шикаст этганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари ниқоддан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

□ Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон) билан 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (2-банд).

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм.

Моддий ёрдам суммаси – 2 800 000 сўмга ЖШДС солинмайди.

Тегишинча, солиқ солинадиган даромад 16 400 000 сўмга (1 400 000 + (1 500 000 x 10)) тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун солиқ 1 968 000 сўми (16 400 000 x 12%) ташкил этади.  
Январь-октябрь ойларида 1 788 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Ноябрь ойида солиқ суммаси 180 000 сўми (1 968 000 – 1 788 000) ташкил этади.  
ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 16 400 сўми (16 400 000 x 0,1%) ташкил этади.  
Январь-октябрь ойларида ШЖБПХга ажратмалар 14 900 сўми, ноябрь ойида 1 500 сўми (16 400 – 14 900) ташкил этади.  
Ноябрь ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.  
Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

#### 4-ВАЗИЯТ

**Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса 1 600 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик машиий техника совға қилинган.*

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 18 160 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8 + 1 600 000 x 10) тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

18 160 403,2 x 12% = 2 179 248,38 сўм.

Январь-октябрь ойларида 1 987 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Ноябрь ойида солиқ суммаси 192 000 сўми (2 179 248,38 – 1 987 248,38) ташкил этади.

Январь-ноябрь ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 18 160,4 сўмга (18 160 403,2 x 0,1%) тенг.

Январь-октябрь ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 16 560,4 сўми, ноябрь ойида 1 600 сўми (18 160,4 – 16 560,4) ташкил этди.

Ноябрь ойида бюджетга 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.



#### 5-ВАЗИЯТ

**Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.*

Куйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма (634 880 x 1,41 + 679 330 x 1,41 x 10 = 10 473 733,8 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди. 2020 йилда ушбу миқдор МҲЭКМнинг 7,5 бараваригача (679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм) оширилган (ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Шу боис жами ёрдам суммаси – 3 000 000 сўмга имтиёз қўлланилади.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

17 500 000 – 10 473 733,8 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 7 686 669,4 сўм.

Январь-ноябрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

7 686 669,4 x 12% = 922 400,33 сўм.

Январь-октябрь ойларида 845 342,96 сўм солиқ ушлаб қолинган. Ноябрь ойида солиқ суммаси 77 057,37 сўми (922 400,33 – 845 342,96) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 7 686,67 сўми (7 686 669,4 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-октябрь ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 7 044,52 сўми, ноябрь ойида 642,15 сўми (7 686,67 – 7 044,52) ташкил этади.

Бюджетга 76 415,22 сўм (77 057,37 – 642,15) солиқ ўтказилади.

Ходим кўлига 1 522 942,63 сўм (1 600 000 – 77 057,37) олади.

### III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

#### 1-ВАЗИЯТ

##### Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

*Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-ноябрь ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.*

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (*Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми*).

Январь-ноябрь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

$9\,300\,000 \times 12\% = 1\,116\,000$  сўмга тенг. Январь-октябрь ойларида  $1\,014\,000$  сўм солиқ ушлаб қолинган. Ноябрь ойи учун солиқ суммаси  $102\,000$  сўмга ( $1\,116\,000 - 1\,014\,000$ ) тенг.

Январь-ноябрь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар  $9\,300$  сўми ( $9\,300\,000 \times 0,1\%$ ) ташкил этади.

Январь-октябрь ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар  $8\,450$  сўми, октябрь ойида эса  $850$  сўми ( $9\,300 - 8\,450$ ) ташкил этган.

Ноябрь ойи учун бюджетга  $101\,150$  сўм ( $102\,000 - 850$ ) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим  $748\,000$  сўм ( $850\,000 - 102\,000$ ) иш ҳақи олади.

#### 2-ВАЗИЯТ

##### Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

*Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўми, февраль-ноябрь ойлари учун эса 1 200 000 сўми ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарасиз бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.*

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиши ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмастлиги керак (*9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-илова*).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб  $1$  кв.м турар жой учун  $12\,000$  сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда –  $7\,500$  сўм; бошқа аҳоли пунктларида –  $3\,500$  сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкрий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда:

□ жисмоний шахслар кўчмас мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардан солиқ тўлашдан озод этилади;

□ солиқ солиш мақсадларида мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун энг кам ижара тўловини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади (*20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 1-банди «а» кичик банди*).

Ноябрь ойи учун ижара тўловидан ЖШДС тўланмайди.

Январь-ноябрь ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

$13\,100\,000 \times 12\% = 1\,572\,000$  сўм.


Январь-октябрь ойларида  $1\,428\,000$  сўм солиқ ушлаб қолинган. Ноябрь ойи учун солиқ суммаси  $144\,000$  сўмга ( $1\,572\,000 - 1\,428\,000$ ) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар  $13\,100$  сўми ( $13\,100\,000 \times 0,1\%$ ) ташкил этади.

Январь-октябрь ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар  $11\,900$  сўми, ноябрь ойи учун  $1\,200$  ( $13\,100 - 11\,900$ ) ташкил этади.

Ноябрь ойи учун бюджетга  $142\,800$  сўм солиқ ( $144\,000 - 1\,200$ ) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга  $2\,556\,000$  сўм иш ҳақи ( $1\,200\,000 + 1\,500\,000 - 144\,000$ ) тўланади.



*Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз Мухиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.*



## КЎЧАР МОЛ-МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш мақсадларида хизматларни реализация қилиш жойини аниқлашда талай низоли вазиятлар юзага келади. Хусусан – транспорт воситаси ёки бошқа кўчар мол-мулкни ижарага беришда. Бундай вазиятларда нимага эътибор беришни [bixgalter.uz](http://bixgalter.uz) илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА сўзлаб берди.

### Агар хизматлар кўчар мол-мулк билан боғлиқ бўлса

– Кўчар мол-мулк билан бевосита боғлиқ хизматларни реализация қилиш жойи улар ҳақиқатда кўрсатилган жой бўйича аниқланади (СК 241-м. 3-қ. 2-б.). Бундай хизматлар Ўзбекистон ҳудудида кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон бундай хизматлар реализация қилинган жой ҳисобланишини билдиради. Ва теги-

шинча, аксинча – корхона чет элда хизматлар кўрсатди, демак, Ўзбекистон уларни реализация қилиш жойи ҳисобланмайди.

Бундай хизматлар жумласига, хусусан, кўчар мол-мулкни монтаж қилиш, сошлаш, йиғиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, сақлаш қиради.



**МИСОЛ. Транспорт воситасини узок муддатга ижарага бериш**  
Чет эл компанияси Ўзбекистон автокорхонасидан Тошкент шаҳрида 2 ойга юк автомобилни ижарага олади.

**Ижара муддати** – 30 кундан ортиқни ташкил этади, шу боис у – узок муддатли саналади.

**Ижарага олувчи** – чет эл компанияси, шу боис транспорт воситаси Ўзбекистонда ижарага берилишига қарамай, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди. Бинобарин, Ўзбекистон корхонаси-ижарага олувчида ушбу хизматларни реализация қилиш бўйича айланмадан ҚҚС ҳисоблаш бўйича мажбурият юзага келмайди.

### Агар хизматлар транспортни қисқа муддатли ижарага бериш билан боғлиқ бўлса

Транспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага бериш билан боғлиқ хизматларни реализация қилиш жойи ушбу транспорт воситаларининг уларни ижарага бериш пайтида жойлашган жойи бўйича аниқланади (СК 241-м. 3-қ. 8-б.). Бу, агар транспорт ижарага бериш пайтида республикада

жойлашган бўлса, бундай хизматлар Ўзбекистонда реализация қилинган деб ҳисобланишини билдиради. Ва тегишинча, аксинча, агар транспорт воситаси уни бериш чоғида чет элда жойлашган бўлса, ижарага бериш бўйича хизматлар чет элда реализация қилинган деб ҳисобланади.



**Эслатиб ўтамиз!** Ушбу реализация қилиш жойини аниқлаш қондаси фақат транспорт воситаларини қисқа муддатли ижарага беришга нисбатан қўлланилиши мумкин. Узок муддатли ижарага беришга нисбатан реализация қилиш жойи ижарага олувчининг фаолият кўрсатиши жойи (жойлашган жойи) бўйича аниқланади.

**МИСОЛ. Транспорт воситасини қисқа муддатли ижарага бериш**  
Ўзбекистон корхонаси чет эл компаниясидан Тошкент шаҳрида 20 кунга юк автомобилни ижарага олади.

**Транспорт воситаси ижарага бериш пайтида** Ўзбекистонда жойлашган. **Ижара муддати** – 30 кундан кам, шу боис у – қисқа муддатли деб саналади.

**Мазкур ҳолда ижарага бериш бўйича хизматларни реализация қилиш жойи** Ўзбекистон деб эътироф этилади. Агар чет эл компанияси Ўзбекистонда ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга олинмаган бўлса, Ўзбекистон корхонаси-ижарага олувчи солиқ агенти сифатида ижара қийматидан ҚҚС тўлаши шарт.

ҚҚС ҳисоб-китоби тартиби шартнома шартларига – ижара қийматида солиқ суммаси назарда тутилганлигига боғлиқ (СК 255-м. 6, 7-қ.).



**Ушбу реализация қилиш жойини аниқлаш қондаси транспорт воситалари ижарасига нисбатан татбиқ этилмайди.** Бу ҳолларда реализация қилиш жойи ижара турига боғлиқ; қисқа муддатли – уларни ижарага бериш пайтида транспорт воситаларининг жойлашган жойи бўйича, узок муддатли – ижарага олувчи фаолиятни амалга оширадиган жойи (жойлашган жойи) бўйича.

### МИСОЛ. Ускунани ижарага олиш.

Ўзбекистон корхонаси Россия заводларидан бирдан бир нечта дастгоҳларни ижарага олган, уларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ўз маҳсулотлари учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистондан ташқарида бўлган кўчар мол-мулкни (транспорт воситаси эмас) ижарага олганлиги боис, республика ҳудуди мазкур хизматни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди. Бинобарин, Ўзбекистон корхонаси-ижарачи олинган хизматлардан солиқ агенти сифатида ҚҚС тўламайди.

### Хизматлар транспортни узок муддатли ижарага бериш билан боғлиқ бўлса

Транспорт воситаларини узок муддатли ижарага бериш билан боғлиқ хизматларни реализация қилиш жойи ижарага олувчининг фаолият кўрсатиши жойи (жойлашган жойи) бўйича аниқланади (СК 241-м. 3-қ. 8-б.). Бу Ўзбекистонда реализация қилинган бундай хизматлар, агар ижара-

га олувчи – Ўзбекистон корхонаси бўлса, Ўзбекистонда реализация қилинган деб эътироф этилишини билдиради. Бунда транспорт воситалари уларни ижарага бериш пайтида қаерда жойлашганлигининг аҳамияти йўқ.



**Эслатиб ўтамиз!** Ушбу реализация қилиш жойини аниқлаш қондасини фақат транспорт воситаларини узок муддатли ижарага беришга нисбатан қўллаш мумкин. Қисқа муддатли ижарага бериш бўйича реализация қилиш жойи транспорт воситалари уларни ижарага бериш пайтида жойлашган жойи бўйича аниқланади.

Транспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси, агар 30 кундан ортиқ муддатга тузилган бўлса, узок муддатли ҳисобланади. Истисно – ҳаво ва денгиз кемалари,

вертолётлар ва темир йўл транспортининг ҳаракатдаги таркиби. Бу ҳолларда 90 кундан ортиқ муддатга ижарага бериш узок муддатли ҳисобланади.

### РЕКЛАМА

**«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz.  
web: www.norma.uz

## ХИСОБГА ОЛИНГАН ҚҚСни ҚАЧОН ХИСОБДАН ЧИҚАРИШ ЗАРУР?

2020 йилги ҳисобот йилини ёпиш муддати узоқ эмас. Кўп корхоналар жорий йилда ҚҚС тўловчиси бўлди. Уларнинг кўплари аввал ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиш киритиш заруратига дуч келди ёки энди дуч келади. Қандай вазиятларда тузатиш киритишга тўғри келиши ва уни қандай тўғри амалга оширишни «Nogma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА тушунтирди.

– Ҳисобга олиш учун қабул қилинган «кирувчи» ҚҚС суммасига тузатиш киритишга (ҳисобга олишдан чиқаришга) қуйидаги ҳолатларда тўғри келади:

- сотиб олинган товарлар ва хизматлардан солиқ солишдан озод этилган айланма учун фойдаланилганда;

- товарлар табиий камайиш нормаларидан ортқича бузилганда ёхуд йўқотилган тақдирда. Агар конун ҳужжатларида бундай нормалар белгиланмаган бўлса, уларни муस्ताқил равишда белгиланг. Мазкур норма фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнгин, авария, ЙТҲ ва бошқа шу каби ҳолатлар) муносабати билан товарларнинг

бузилишига ёхуд йўқотилишига нисбатан таъбиқ этилмаслигини инобатга олинг;

- етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда;

- солиқ тўловчи мақоми йўқотилганда ёки солиқ тўлашдан озод қилинганда (СК 269-м. 1-қ.).

Солиқни тўловчи бўлмаганлар тоифасига ўтиш санасида ёки озод этиш санасида ҚҚС билан сотиб олинган товарлар қолдиқлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олишдан чиқариш ва уни товарларнинг қийматига киритиш.



ТМЗ қолдиқлари бўйича ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиш киритишда тузатиш киритишдан олдинги охириги 12 ой учун харидларни инобатга олинг (СК 269-м. 3-қ.).

### МИСОЛ. Солиқ солишдан озод этилган айланмалар учун фойдаланилган товарлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш учун қабул қилинган суммага тузатиш киритиш

ҚҚС тўловчиси бўлган қурилиш корхонаси буюртмачилар объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади. Ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун у алоҳида-алоҳида усулдан фойдаланади. 2020 йилнинг май ойида корхона 57 500 минг сўмлик қурилиш материаллари сотиб олди, шу жумладан ҚҚС – 7 500 минг сўм.

Май ойида солиқ солишдан озод этилган айланма мавжуд бўлмади, шу боис «кирувчи» ҚҚСнинг барча суммаси (7 500 минг сўм) ҳисобга олинди.

Июнь ойида корхона уй-жой фондиди таъмирлаш учун ХУМШ билан шартнома тузди. Бундай ишлар учун ҳақ аҳоли томонидан ХУМШ орқали тўланади ва ҚҚСдан озод этилган (СК 243-м. 1-қ. 16-б.). Уларни бажаришда май ойида олинган материаллардан фойдаланилди, улар бўйича ҚҚС ҳисобга олиш учун қабул қилинган. Фойдаланилган материалларнинг қиймати ҚҚС-сиз 15 000 минг сўми ташиқил этади. Бинобарин, улар бўйича 2 250 минг сўм (15 000 x 15%) миқдордаги ҚҚС суммасини ҳисобга олишдан чиқариш ва бажарилган ишлар таннархига киритиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тузатиш киритиш бундай акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Май ойида материаллар сотиб олинди	50 000	1050-«Қурилиш материаллари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Сотиб олинган материаллар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	7 500	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	
Материаллар бажарилган ишлар таннархига ҳисобдан чиқарилди:			
май ойида – ҚҚС солинадиган	35 000	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»
июнь ойида – ҚҚСдан озод этилган	15 000	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1050-«Қурилиш материаллари»
Июнь ойида май ойида ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилди	2 250	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

ҚҚС бўйича ҳисоботда (1-илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.) ҳисобга олишга тузатиш киритиш бундай акс эттиринг:  
 ҚҚСдан озод этилган айланмалар учун фойдаланилган материаллар қийматини (15 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 3-«Ҳисобга олинмаган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китоби» иловасининг 0601-сатри 3-устунида акс эттиринг;

ҚҚС бўйича ҳисобга олишга тузатиш киритиш суммасини (2 250 минг сўм) 3-илованинг 0601-сатри 4-устунида акс эттиринг.

### МИСОЛ. Материалларнинг нормативлардан ортқича бузилиши сабабли ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритиш

Инвентарлаш натижалари бўйича ҚҚС тўловчи бўлган корхона амборда фойдаланишга яроқсиз бўлган 1 000 минг сўмлик материаллар мавжудлигини аниқлади. Материалларнинг мазкур тури бўйича табиий камайиш нормалари белгиланмаган, бузилишнинг айбдорлари аниқланмади. Материаллар ҚҚС билан сотиб олинган бўлиб, у белгиланган тартибда ҳисобга олинган. Тузатиш киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 150 минг сўмни (1 000 x 15%) ташиқил этади. Уни бюджетга ҳисоблаш ва яроқсиз материаллар қийматига киритиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тузатиш киритиш бундай акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган яроқсиз материаллар бўйича ҚҚС суммасига тузатиш киритилди	150	1010-«Хом ашё ва материаллар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Яроқсиз материаллар ҳисобдан чиқарилди	1 150	5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»	1010-«Хом ашё ва материаллар»
Яроқсиз материалларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар акс эттирилди	1 150	9430-«Бошқа операциялар»	5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

ҚҚС бўйича ҳисоботда ҳисобга олишга тузатиш киритиш бундай акс эттиринг:

инвентарлашда аниқланган ҚҚС билан сотиб олинган яроқсиз материаллар қийматини (1 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 3-илованинг 0602-сатри 3-устунида акс эттиринг;

ҚҚС бўйича ҳисобга олишга тузатиш киритиш суммасини (150 минг сўм) 3-илованинг 0602-сатри 4-устунида акс эттиринг.

### МИСОЛ. ҚҚС тўловчиси мақомини йўқотганда ҚҚС бўйича ҳисобга олиш суммасига тузатиш киритиш

ҚҚС тўловчиси бўлган корхона янги йилдан бошлаб айланмадан олинмаган солиқни тўлашга ўтди. 1 январь ҳолатига амборда декабрь ойида 7 500 минг сўм миқдорда ҚҚС билан сотиб олинган 57 500 минг сўмлик товар ҳисобда бўлган. ҚҚС белгиланган тартибда ҳисобга олиш учун қабул қилинган.

Корхона 1 январдан бошлаб ҚҚС тўловчиси мақомини йўқотганлиги боис, ТМЗ қолдиқлари бўйича ҳисобга олиш суммасига тузатиш киритиш зарур. Тузатиш киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 7 500 минг сўмни ташиқил этади. Уни бюджетга ҳисоблаш ва товар қийматига киритиш лозим. Бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тузатиш киритиш бундай акс эттиринг:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Товар декабрь ойида сотиб олинди	50 000	2910-«Амбордаги товарлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Сотиб олинган товар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	7 500	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	
Товар қолдиғига тўғри келадиган ва илгари ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилди	7 500	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»
Январ ойида реализация қилинган товарнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	57 500	2910-«Амбордаги товарлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
		9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2910-«Амбордаги товарлар»

Декабрь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоботда ҳисобга олишга тузатиш киритиш бундай акс эттиринг:

ҚҚС билан сотиб олинган ва ҚҚС тўловчиси бўлмаганлар тоифасига ўтиш пайтида амборда ҳисобда бўлган товарнинг қийматини (50 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 3-илованинг 0604-сатри 3-устунида акс эттиринг;  
 Ҳисобга олинган ҚҚС бўйича тузатиш суммасини (7 500 минг сўм) 3-илованинг 0604-сатри 4-устунида акс эттиринг.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

- «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ**
- «Божхона йигимлари ставкalarини тасдиқлаш тўғрисида».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\*

(Кўчирма)\*\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 25 сентябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 21 октябрда маъқулланган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924-XII-сонли Қонуни-нинг 75-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;  
учинчи қисм иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сонли Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 32-модданинг тўртинчи қисми:

учинчи хатбошии қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«2020 йил 1 январдан – тўланган ижтимоий солиқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

2) 36-модданинг биринчи қисми:

учинчи хатбошии қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«2020 йил 1 январдан – тўланган ижтимоий солиқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

3) 37-модда биринчи қисмининг «г» банди:

учинчи хатбошии қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«2020 йил 1 январдан – ижтимоий солиқ тўланган тақдирда»;

4) 40-модданинг биринчи қисми:

учинчи хатбошии қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«2020 йил 1 январдан – ижтимоий солиқ тўланган тақдирда».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 602-I-сонли Қонунининг 30-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмининг «шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;  
иккинчи-бешинчи қисмлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг

кафолатлари тўғрисида»ги 69-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ-328-сонли Қонуни тахририда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 39-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъекти томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши содир этилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда хавфни таҳлил этиш натижалари асосида назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган барча текширувлари Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт, бундан камарал солиқ текширувлари мустасно.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти текширувлари натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар тугатилгандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида киритилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олмастан ўтказилган текширувлари қонунга ҳилофдир.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширувларни ўтказиш муддатлари ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

Солиқ текширувлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асос бўлади. Сайёр солиқ текшируви ўн кундан ошмаган муддатда ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудитини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Солиқ органи солиқ аудитини ўтказишининг бошланиши тўғрисида солиқ аудити бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини солиқ аудитини ўтказиш муддатлари ва предмети курсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи Ўзбекистон Республикаси

\*Ушбу Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 9.11.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Қонун «СБХ»да кўчирмада чоп этилмоқда. Ҳужжатининг тўлиқ матни билан «Notus» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таъиниш мумкин.

Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлаша ҳақлидир.

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудити белгиланган тартибда фақат солиқ органлари томонидан, солиқ аудитини ўтказиш давомида бюджет, солиқ ва валютага оид қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари аниқланган тақдирда ЭҚС Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Итисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

**Солиқ аудити:**

аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан камерал текширув натижаларига кўра тақдим этилган, аниқлаштирилган талабномадан кейин) ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаган ёки тақдим этган асосномалари ётарли эмас деб топилган солиқ тўловчилар бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хавфли тахлил этиш натижалари асосида белгиланадиган юқори даражадаги хавфга эга бўлган солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) тоифасига мансуб солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказилади.

Текширув бошланадиган олдин текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакилларини ва (ёки) адвокатни жалб этиш ёки уларнинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тўлунтирилиб, бу ҳақда баённома тузилади. Бундан адвокат хизматларини рад этганлик тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларида жалб этиш учун монелик қилмайди.

Текширувлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектига топширилади»;

2) 40-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«40-модда. Молиявий санкцияларнинг қўлланилмаслиги ва суммалари камайтирилиши

Тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувлар натижалари бўйича кўрсатмаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган муддатларда ва тўла ҳақда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди. Мазкур норма солиққа оид ҳуқуқбузарликлар сабабли молиявий санкцияларни қўллаш ҳолларига нисбатан таъбиқ этилмайди.

Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбга иқдор бўлганда ва солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланганда жариима миқдори белгиланган миқдорга нисбатан икки бараварга камайтирилади»;

3) 41-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга киришишига мазкур шахсларда назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар тарихи, текширув ўтказиш муддатлари, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимидаги рўйхатга олиш рақами кўрсатилган бурунгиинг кўчирма нусхаси, шунингдек текширувчи мансабдор шахсларнинг текширувлар ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномами ҳамда шахсини тасдиқловчи гувоҳномами бўлган тақдирда йўл қўйлади»;

4) 42-модданинг:

олтинчи хатбошини чиқариб ташлансин;  
еттинчи ва саккизинчи хатбошини тегшишча олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

5) 50-модда:

куйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан фақат юқори туровчи солиқ органига улар устидан шикоят қилингандан кейин суд тартибда шикоят қилиш мумкин. Мазкур қоида

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори устидан шикоят қилишга нисбатан таъбиқ этилмайди»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги 360-III-сонли Қонунининг 4-моддасига куйидаги узғартишлар киритилсин:

олтинчи қисм чиқариб ташлансин;  
еттинчи ва саккизинчи қисмлар тегшишча олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги 558-III-сонли Қонунининг 25-моддаси чиқариб ташлансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурга қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-155-сонли Қонунининг 31-моддасига куйидаги узғартишлар киритилсин:

олтинчи қисм чиқариб ташлансин;  
еттинчи ва саккизинчи қисмлар тегшишча олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сонли Қонунга куйидаги узғартишлар киритилсин:

1) 17-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган махсуслотни ишлаб чиқариши ва ер қарбидан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали казилмаларни қавлаб олиши амалга ошириши мумкин эмас»;

2) 27-модда чиқариб ташлансин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 138-моддасининг биринчи қисмидаги «ягона ихтимой тўловлар» деган сўзлар «ихтимой солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги ЎРҚ-427-сонли Қонунининг 29-моддасига куйидаги узғартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда қабул қилинган «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-539-сонли Қонунининг 14-моддасига куйидаги узғартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар тегшишча иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига куйидаги қўшимчалар ва узғартиш киритилсин:

1) 344-модданинг иккинчи қисми «ташкилотларига» деган сўздан кейин «мабдаларни депозитга жойлаштиришидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 369-модда:

биринчи қисмининг 7-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7) давлат пенсиялари, қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар, бундан вақтинча меҳнатта лавқатсизлик нафақаси (оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш бўйича нафақа) мустасно»;

иккинчи қисми куйидаги мазмундаги 15-банд билан тўлдирилсин:

«15) фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари, қасаба уюшмалари, хайрия, экология жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан ташкил этилган бошқа жамғармалар томонидан қўрсатилган ёрдам:

давлолаш ва тиббий хизматлар қиймати, ногиронларни профилактика ва реабилитация қилиш учун техник асбоб-ускуналар олиш»;

жисмоний шахснинг манфаатларини кўзлаб, товарлар ва хизматларни етказиб беришдан олиш;

хайрия мақсадида бошқа шаклларда кўллаб-қувватлаш (бундан пул шаклида кўллаб-қувватлаш мустасно);

3) 378-модда куйидаги мазмундаги 20-банд билан тўлдирилсин:

«20) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар, шунингдек пул маблағлари тарафдаги ёрдамнинг бошқа турлари, бироқ солиқ даври мобайнида ўн беш миллион сўмдан ошмаган ҳолда».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**15-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

Ушбу Қонун 12-моддаси 2 ва 3-бандларининг қоидалари 2020 йил 1 апрелдан эътиборан юзгага келган муносабатларга ҳам татбиқ этилади.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти*

**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

*Тошкент ш.,  
2020 йил 9 ноябрь  
ЎРҚ-646-сон.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ СТАВКАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи божхона йиғимлари ставкалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган пулли хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда қатъий белгиланган божхона йиғимлари ставкаларини белгилаш;

рухсат этувчи ҳусусиятдаги ҳужжатларни бериш билан боғлиқ айрим турдаги божхона йиғимларини бекор қилиш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

товарларни «божхона ҳудудида қайта ишлаш» ва «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» божхона режимида расмийлаштирилганлик учун божхона йиғими ставкаларини пайсайтириш;

божхона назорати остида ташилаётган товарларни етказиб бериш мuddатига ўрина қилмаслиқ учун маъмурий жаобгарлик ўрнига молиявий чора сифатида божхона йиғимини жорий этиш.

2. Белгилансинки, келиб тушган божхона йиғимлари суммаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган миқдордаги ажратмалар Давлат божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари фондига ва Жаҳон божхона ташкилотига ҳар йилги аъзолик ба-

дали суммаси чиқариб ташланган ҳолда, белгиланган тартибда республика бюджетни даромадига ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага\*\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси: бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

уч ой мuddатда Давлат божхона кўмитасининг товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибини белгилловчи қарорини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

5. Ушбу қарор 2021 йил 1 январдан бошлаб кучга кирида.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодийёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси М.Б.Азимов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири*

**А.АРИПОВ.**

*Тошкент ш.,  
2020 йил 9 ноябрь  
700-сон.*

*ЎзР ВМнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон қарорига  
1-ИЛОВА*

### БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ СТАВКАЛАРИ

Т/р	Божхона йиғими тури	Йиғим ставкалари
	Куйидагиларнинг божхона расмийлаштируви учун*:	
	а) божхона юк декларацияси (БЮД)ни тақдим этиш орқали эквиваленти куйидаги божхона қийматидаги товарларни тегишли божхона режимида («экспорт», «божхона ҳудудида қайта ишлаш» ва «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш», «транзит», «йўқ қилиш», «вақтинча сақлаш», «давлат фойдасига воз кечиш» ва мазкур банднинг «г» ҳамда «д» кичик бандларида кўрсатилган товарлардан ташқари):	
1	10 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 1 баравари**
	10 000 дан 20 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 1,5 баравари
	20 000,00 дан 40 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 2,5 баравари
	40 000,00 дан 60 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 4 баравари
	60 000,00 дан 100 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 8 баравари
	100 000,00 дан 200 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 15 баравари
	200 000,00 дан 500 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 30 баравари

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 1.01.2021 йилдан кучга кирида.

\*\*Қарорга 2-илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотан» АҚТ ва [ntt.uz](http://ntt.uz) сайтида танишиш мумкин.

T/p	Божхона йигими тури	Йигим ставкалари
1	500 000,00 дан 1 000 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 58 баравари
	1 000 000,00 АҚШ доллари ва ундан ортиқ	БҲМнинг 75 баравари
	б) БЮДни тақдим этиш орқали эквиваленти куйидаги божхона қийматидаги товарларни «экспорт» божхона режимида:	
	20 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 50 фоизи
	20 000 дан 40 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 1 баравари
	40 000 дан 60 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 2 баравари
	60 000 дан 100 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 3 баравари
	100 000 дан 200 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 5 баравари
	200 000 дан 500 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 10 баравари
	500 000 дан 1 000 000 АҚШ долларигача	БҲМнинг 25 баравари
	1 000 000 АҚШ доллари ва ундан ортиқ	БҲМнинг 50 баравари
	в) БЮДни тақдим этиш орқали товарларни «божхона ҳудудида қайта ишлаш», «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» ва «транзит» божхона режимларида:	
	БЮДнинг асосий varaғи учун; ҳар бир қўшимча varaғи учун;	БҲМнинг 50 фоизи, БҲМнинг 25 фоизи
	г) БЮДни тақдим этиш орқали юридик шахслар томонидан олиб келинаётган нақд чет эл валютасининг (бир донa декларация учун);	
д) товарларни божхона кириш ордерини қўллаш орқали (бир донa ордер учун).		БҲМнинг 25 фоизи
2.	Декларант ёки у ишонч билдирган шахснинг БЮДга ўзгартириш ва қўшимча киритиш бўйича мурожаатига асосан, расмийлаштирилган БЮДни ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун (қоғоз шаклдаги БЮДда бир донa БЮД учун, электрон шаклдаги БЮДда бир донa БЮДни тузатиш шакли учун)	БҲМнинг 25 фоизи
3.	Божхона расмийлаштируви учун белгиланган жойлардан*** ташқаридаги ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтдаги божхона расмийлаштируви учун («экспорт» божхона режими бундан мустасно):	
	а) божхона органлари иш вақтидан ташқари (18.00 – 9.00)****, дам олиш ва байрам кунлари (ҳар бир БЮД учун);	БҲМнинг 2 баравари
4.	б) божхона органи ходими томонидан (унинг иштирокида) исталган божхона назорати давомида божхона кўригини, кўздан кечирувни, қайта юклаш операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни бажарганлиги (бир соатлик иш учун)*****;	
	кундузги вақтда (9.00 – 18.00 иш вақтида); божхона органлари иш вақтидан ташқари (18.00 – 9.00), дам олиш ва байрам кунлари.	БҲМнинг 25 фоизи, БҲМнинг 2 баравари
4.	Эгаси божхона органи бўлган божхона омиборида товарларни сақлаганлик учун (ҳар бир сутка учун)*****;	
	дастлабки ўн сутка мобайнида (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) 1 тонна (брутто) учун; ҳар бир кейинги суткалар учун (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) 1 тонна (брутто) учун.	БҲМнинг 3 фоизи БҲМнинг 4 фоизи
5.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битта автотранспорт воситасини куйидаги масофаларга божхона ҳамроҳлигида кузатиб борганлик учун:	
	200 км масофагача; 200 км дан ортиқ масофагача.	БҲМнинг 2 баравари БҲМнинг 5 баравари
6.	Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун*****	БҲМнинг 75 фоизи
7.	Автотранспорт воситасини бир календарь йил давомида тўқсон календарь кундан ортиқ муддатга вақтинчалик олиб кирганлик учун	олиб чиқиб кетиш муддатининг ўтказиб юборилган ҳар кун учун транспорт воситасининг ҳар бир от кучи учун БҲМнинг 0,7% миқдорида*****
	8.	Божхона назорати остида ташилаётган товар ва транспорт воситалари учун белгиланган ётказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун

\*Товарларни «давлат фойдасига воз кечиш», «йўқ қилиш», «вақтинча сақлаш» божхона режимларига расмийлаштирилганлик учун божхона йигимлари ундирилмайди.

Дастлабки, вақтинчалик, тўлиқ бўлмаган ва даврий декларациялаш орқали товарлар расмийлаштирилганда, божхона расмийлаштируви учун йигим фақатгина дастлабки декларациялашда бир марта ундирилади;

\*\*БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори;

\*\*\*Божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган ходим хизмат олиб борадиган божхона пости ва унга бириктирилган божхона омибори, эркин омибор ҳамда бож олинмайдиган савдо дўкони божхона расмийлаштируви жойлари ҳисобланади;

\*\*\*\*Божхона органлари иш вақтидан ташқари (18.00 – 9.00) вақт бу, божхона юк декларациясини расмийлаштирган пайт (БЮДнинг «Д» графасига божхона органи томонидан белги қўйилган вақт) ҳисобланади;

\*\*\*\*\*Божхона органи томонидан бир соатдан кам бўлган вақт сарф қилинган тақдирда, божхона йигими бир ходимнинг тўлиқ бир соат иш вақти учун ундирилади;

\*\*\*\*\*Суд қарорига асосан давлат фойдасига ўтказилган ёки йўқ қилинадиган товарларни сақлаганлик учун йигим ундирилмайди;

\*\*\*\*\*Товарни таснифлашиш бўйича дастлабки қарор бекор қилинганда, ўзгартирилганда ёки қайтиб олинганда уни қабул қилганлик учун тўлов қайтарилмайди;

\*\*\*\*\*Умумий ҳисобланган йигимлар қиймати, транспорт воситасини «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида жойлаштирилгандаги тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммасидан ошмаслиги шарт.

# ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ИЖАРА ҲАҚЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЎҒРИ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

Сиз ижарага олган офис таъмирланиши керак. Шу сабабли ижара ҳақини камайтириш мумкинми ва буни қандай амалга ошириш керак? Хужжатларни расмийлаштириш вариантлари билан ҳаракатларнинг эҳтимолий сценарийларини «Nogma» компаниясининг юридик масалалар бўйича эксперти Олег ЗАМАНОВ тавсифлаб берди.

– Умумий қоидада кўра, ижара ҳақи миқдори томонларнинг келишуви билан шартномада назарда тутилган муддатларда, лекин йилига бир мартадан кўп бўлмаган муддатда ўзгартирилиши мумкин (ФК 544-м. 5-қ.). Шунинг учун, аввал шартномангизнинг ижара тўловларини ўзгартириш тартиби ва муддати тўғрисида шартларини ўрганинг. Вазиятга кўра, сиз уларни ижарага берувчи билан қўшимча келишув тузган ҳолда ўзгартиришингиз мумкин.

Кейинги ҳаракатлар мантиси ва кетма-кетлиги куйидаги ҳолатларга боғлиқ:

- ким шартномага биноан ижарага олинган биноларни таъмирлаш харажатларини ўз зиммасига олиши ва ҳақиқатда ким уларни қилиши шарт;

- таъмирлаш ишлари қай тарзда ижарага олинган бинолардан фойдаланиш шартларига таъсир кўрсатади.

Бир нечта эҳтимолий сценарийларни кўриб чиқамиз.

**1. Дастлаб шартнома шартларига биноан биноларни таъмирлаш харажатлари ижарага берувчи томонидан амалга оширилади, тегишсинча, у:**

- ёки ўз мажбуриятларини бажаришга тайёр (таъмирлаш ишларини ўзи бажариши ёки пудратчи ташкилотни жалб қилиши – бу муҳим эмас). Бу ҳолда, фақат таъмирлаш ишлари бинолардан фойдаланиш шартларини ёмонлаштирган тақдирда ижара ҳақини камайтириш мумкин;

- биноларни таъмирлаш учун молиявий имкониятлари мавжуд бўлмаса. Агар таъмирлаш объектининг равишида зарур бўлса ва ижарага олувчи унинг учун ҳақ тўлашга тайёр бўлса, ижара шартномасининг дастлабки шартларига тузатишлар киритиш зарур:

- а) ижарага олинган биноларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш;

- б) ижара ҳақини таъмирлаш харажатлари суммасига мутаносиб равишда камайтириш.

**МИСОЛ.** Ижарага олувчи таъмирлаш харажатларини ўз зиммасига олади, ижара ҳақи камаяди

Ижара муддати: 2020 йил 1 январдан – 31 декабргача.

Ижара ҳақининг дастлабки миқдори – ойига 3 000 000 сўм.

Таъмирлаш харажатлари суммаси – 12 000 000 сўм.

Шартнома шартларини ўзгартириш санаси – 2020 йил 30 июнь.

Қолган ижара муддати – 6 ой.

Қолган муддат учун ижара ҳақи миқдори – ойига 1 000 000 сўм (3 миллион сўм х 6 ой – 12 миллион сўм) / 6 ой).

Ўзгаришларни қандай расмийлаштириш лозим (қўшимча келишувда ифодаланиш)

**1-вариант:** «2.1. Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақини Ижарага берувчининг ҳисобварағига қўйидаги миқдорларда пул маблағларини ўтказиши йўли билан тўлаши шарт:

2.1.1. 2020 йил 1 январдан 30 июнга қадар бўлган даврда – ойига 3 000 000 (уч миллион) сўм;

2.1.2. 2020 йил 1 июлдан 31 декабргача бўлган даврда – ойига 1 000 000 (бир миллион) сўм».

**2-вариант:** «2.1. Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақини ушбу шартноманинг 1-иловасига асосан Ижара ҳақини тўлаш жадвалига мувофиқ Ижарага берувчининг ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиши йўли билан тўлаши шарт».

**2. Шартномага мувофиқ биноларни таъмирлаш харажатлари ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.**

Тегишсинча, таъмирлаш харажатлари ижара ҳақи таъсир кўрсатмайди. Бироқ агар таъмирлаш ишлари бинолардан фойдаланиш шароитларини ёмонлаштирса, уни камайтириш мумкин.

**3. Бинолардан фойдаланиш имконияти.**

Таъмирлаш доирасида қандай иш турлари бажарилиши ва улар қайси вақтда амалга оширилишига боғлиқ ҳолда – бу:

а) ижарага олувчи томонидан бинолардан фойдаланишга ҳеч қандай тарзда акс этмайди (ишдан ташқари вақтдаги майда ишлар) ва офис «штат» режимида фаолият кўрсатиши мумкин. Бу ҳолда ижара ҳақини камайтиришни талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Бироқ – 1 ва 2-бандларда баён этилган ҳолатларни ёдда тутиш;

б) ижарага олувчига бинодан мақсадига кўра фойдаланишга ҳалақат беради. Яъни мол-мулкдан фойдаланиш шартларини ижарага олувчи улар учун жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли жиддий ёмонлашади. Бу ҳолда ижара ҳақини камайтиришни талаб қилиш – ижарага олувчининг қону билан кафолатланган ҳуқуқидир (ФК 544-м. 6-қ.). Бироқ, савол қолмоқда: бинолардан фойдаланиш қандай даражада қийинлашган – қисманми ёки тўлиқ?

## ҚИСМАН ҚИЙИНЛАШГАН

Офис таъмирлаш ишлари давом этаётган бир вақтда ҳам фаолиятини давом эттиривериши мумкин, шунда унинг фақат ярим қисми таъмирлаш ишлари билан банд бўлади. Шу каби вазиятда таъмирлаш ишлари вақтида ижара ҳақини мутаносиб равишда камайтириш тўғрисида келишиб олиш мумкин.

**МИСОЛ.** Агар таъмирлаш бинонинг бир қисман фойдаланишга ҳалақат қилса, ижара ҳақини мутаносиб равишда камайтириш Ижара муддати – 2020 йил 1 январь – 31 декабрь.

Ижара нархи – ойига 3 000 000 сўм.

Таъмирлаш даврида ижарага олувчи уму-

мий ижарага олинган майдоннинг 50%идан фойдаланади.

Таъмирлаш ишларининг муддати – 2 ой (сентябрь, октябрь).

Таъмирлаш даврида ижара ҳақи миқдори – ойига 1 500 000 сўм (3 млн сўм х 50%).

**Ўзгаришлар қандай расмийлаштирилади (қўшимча келишувда ифодаланиш):**

**1-вариант:** «2.1. Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақини Ижарага берувчининг ҳисобварағига қўйидаги миқдорларда пул маблағларини ўтказиши йўли билан тўлаши шарт:

2.1.1. 1 январдан 31 августгача, шунингдек 2020 йил 1 ноябрдан 31 декабргача бўлган даврда – ойига 3 000 000 (уч миллион) сўм;

2.1.2. 2020 йил 1 сентябрдан 31 октябргача бўлган даврда – ойига 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм».

**2-вариант:** «2.1. Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақини ушбу шартноманинг 1-иловасига асосан Ижара ҳақини тўлаш жадвалига мувофиқ Ижарага берувчининг ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиши йўли билан тўлаши шарт».

## ТЎЛИҚ ҚИЙИНЛАШГАН

Таъмирлаш ишлари бир вақтнинг ўзида бутун ижарага олинган майдонда олиб борилмоқда, офис фаолият кўрсата олмайди. Бу юридик жиҳатдан расмийлаштириш нуқтаи назаридан анча мураккаб вазиятдир. Ижарага олувчи бинодан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши зарур (таъмирлашдан кейин ўз жойига қайтиш учун) ва шу билан бирга – таъмирлаш вақтида ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини ўзидан соқит қилиши керак.

Бироқ ижара – ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизмат юзасидан шартнома (ФК 535-м.; «Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 1-м. 1-қ.), башарти биз давлат мулкни «ноль» ставка бўйича ижарага бериш ҳақида гапирмасак (бу вариант, қоида тарихида, ижарага олувчига инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни юклаш билан бирга кечади).

Шу боис куйидаги вариантларни кўриб чиқишни тавсия қиламиз:

- жорий шартномани муддатидан олдин бекор қилиш (ижара муддатини ўзгартириш тўғрисида қўшимча келишувни расмийлаштириш) ва дарҳол янгисини тузиш, унда таъмирлаш тугаганлигини инобатга олган ҳолда мол-мулкни ижарага олувчига бериш муддатини кўрсатиш. Агар ижарага берувчи кўрсатилган муддатда уни тақдим этмаса, сиз ушбу мол-мулкни ундан талаб қилишига ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлисиз;

- янгиланган икки марта расмийлаштириш, яъни шартнома предмети ўзгартириш (ФК 347-м.) – дастлаб таъмирлаш даврида ижарадан бепул фойдаланишга, у тугагандан кейин – аксинча, бепул фойдаланишдан ижарага ўзгартириш.

## ДАВАЛ ХОМ АШЁСИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ ҚҚСНИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРАДИ?

Давал хом ашёси билан ишлайдиган корхоналар бухгалтерлари бундай операцияларни расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва солиқ солиш масалаларига дуч келади. Хусусан, ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича саволлар туғилади. Уларга «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА жавоб бери:

– Буюртмачига тегишли бўлган ва бошқа шахсга (қайта ишловчига) санаот асосида қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар давал хом ашёси ва материаллари ҳисобланади. Шундан кейин қайта ишловчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот тузилган шартномага мувофиқ буюртмачига қайтарилади.

Агар сиз қайта ишловчи бўлсангиз ва давал хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқарсангиз, ҚҚСни фақат ўзингизнинг қайта ишлаш бўйича хизматларингиздан ҳисоблаб чиқарингиз. Давал хом ашёсидан акцизоти товарларини ишлаб чиқаришда қайта ишлаш бўйича хизматлар қийматига акциз солиғи-

ни ҳам ҳисобга олинг (СК 248-м. 6-қ.; «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги Қонунга 8-илова).

Давал хом ашёси билан боғлиқ операцияларни махсус Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобиди акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ рўйхат рақами 2086, 15.03.2010 й.) мувофиқ расмийлаштиринг ва ҳисобини юритинг.

Буюртмачи давал хом ашёсини қайта ишловчига давал хом ашёсини қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки юкхати бўйича беради (Низомга 1, 2-иловалар).

### Ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш – буюртмачининг хатоси

Амалиётда кўпинча буюртмачи давал хом ашёсини беришни ҳисобварақ-фактура билан расмийлаштирадиган вазиятлар учраб туради. Ушбу хато мазкур операция давал хом ашёси билан боғлиқ операция сифатида ҳисобланмаслигига олиб келади.

Ҳисобварақ-фактура товарга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши чоғида расмийлаштирилиши боис, мазкур операция тегишли солиқ оқибатлари, шу жумладан – ҚҚС ҳисоблаш билан хом ашёни реализация қилиш сифатида малакаланади.

### Қайта ишловчи қандай ҳужжатларни расмийлаштириши керак?

Қайта ишлаш маҳсулотларини қайтариш чоғида буюртмачига ўзингизнинг қайта ишлаш бўйича хизматларингизга ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ҳисобварақ-фактура тақдим этинг. Олинган хом ашё ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича маълумотларни ҳисобварақ-фактурада акс эттирманг. Маҳсулотларни беришни давал хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва давал хом ашёсининг

ишлатилиши тўғрисида ҳисобот билан расмийлаштиринг (Низомга 4, 5-иловалар).

Буюртмачига қайта ишлаш бўйича хизматлар қийматига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада ушбу хизматларнинг шартнома қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ҚҚСни кўрсатинг. ҚҚС бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларда хизматлар қиймати бозор қийматига тўғри келиши лозимлигини инобатга олинг (СК 248-м. 4-қ.).

### Давал хом ашёсидан ва ўзининг хом ашёсидан фойдаланишда ҚҚС қандай ҳисоблаб чиқарилади?

Агар маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишда сиз ҳам ўзингизнинг хом ашёдан ҳамда давал хом ашёсидан фойдалансангиз, ушбу опера-

цияларнинг алоҳида ҳисобини юритинг. Давал хом ашёсининг аналитик ҳисобини хар бир буюртмачи бўйича алоҳида юритинг (Низомнинг 12-б.).

**МИСОЛ.** ҚҚС тўловчиси бўлган тикув корхонасининг ҳисобот даври учун соф тушуми 120 000 минг сўмни ташиқил этди, шу жумладан:

- давал хом ашёсидан буюмлар тикиш бўйича хизматлар кўрсатишдан – 20 000 минг сўм;
- ўзининг хом ашёсидан буюмлар ишлаб чиқариш (тикиш) бўйича – 100 000 минг сўм.

Ҳисобот даври якунлари бўйича тикиш бўйича хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи 22 000 минг сўмни ташиқил этди, бу уларни реализация қилиш қийматидан ортиқ. Бунда реализация қилиш қиймати бундай хизматларнинг бозор нархига тўғри келади.

Ўзининг хом ашёсидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 75 000 минг сўмни ташиқил этди ва реализация қилиш қийматидан ошмади. Бундай вазиятда ҚҚСни бундай тарзда ҳисобланг:

- қайта ишлаш бўйича хизматлар бўйича – 20 000 минг сўмдан келиб чиқиб;
- ишлаб чиқариш бўйича – 100 000 минг сўмдан келиб чиқиб.

**?** Акциядорлик жамияти ўзининг унитар корхоналарига мунтазам равишда молиявий қарзларни улар берилган санада МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фойзли даромадларни тўлаш мажбурияти билан тақдим этади. Қарзларни қайтариш муддатлари 1 ойдан ярим йилгача бўлган даврни ташиқил этади.

Қарзлар бўйича фойзлар қандай даврийликда ҳисобланиши лозим?

## ҚАРЗЛАР БҲИИЧА ФОИЗЛАР: ТЎЛОВ МУДДАТЛАРИ

– Қонун ҳужжатларида қарзлар бўйича фойзларни ҳисоблашнинг муайян даврийлиги белгиланмаган.

Даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ (ҳисоблаш усули) тўланган вақтидан ва пул маблағлари келиб тушган санасидан қатъи назар, улар тегишли бўлган даврда акс эттирилади («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси).

Қарз берган корхона учун қарз бўйича фойзлар даромад ҳисобланади. Фойзларни келтирадиган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга активларни фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар активдан олинган ҳақиқий даромадни ҳисобга оладиган вақтинчалик нисбат асосида тан олинishi лозим (АВ томонидан 26.08.1998 йилда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган 2-сон БҲМСнинг 20, 21-бандлари).

Қарз олган корхона учун қарз бўйича фойзлар харажатлар ҳисобланади. Қарз бўйича харажатлар улар амалга оширилган даврда харажатлар деб (молиявий фаолият бўйича харажатлар сифатида) эътироф этилиши лозим (АВ томонидан 18.08.2009 йилда 1996-сон билан рўйхатдан ўтказилган 24-сон БҲМСнинг 9-банди).

Қарзлар бўйича фойзларнинг МБ томонидан улар берилган санада белгиланган қайта молиялаштириш став-

каси бўйича ҳисобланиши қуйидаги солиқларни ҳисоблашга таъсир кўрсатади:

- қарз олувчи ва қарз берувчида фойда солиғини;
- қарз берувчида айланмадан олинмадан солиқни.

Ушбу солиқлар бўйича ҳисобот даври чорак ҳисобланади (СК 338-м. 2-қ., 469-м. 2-қ.).


Қарз бўйича фойзлар қарз берувчи учун молиявий хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади. Улар ҚҚСдан озод этилади (СК 244-м. 1-қ. 7-б.). Бунда улар ҳисобга олинмадан ҚҚС суммасини аниқлашда жами айланма суммасига киритилади.

ҚҚС бўйича солиқ даври ой ҳисобланади (СК 259-м.).

Бинобарин, ҚҚС ва айланмадан олинмадан солиқни тўловчи ҳисобланган қарз берувчи қарзлар бўйича фойзларни хар ойда, ойнинг охири санасида ҳисоблаши лозим.

Айланмадан олинмадан солиқни тўловчи қарз берувчи ва қарз олувчилар, солиқ солиш тартибидан қатъи назар, қарзлар бўйича фойзларни хар ойда, ойнинг охири санасида ёки чоракда, ушбу чоракнинг охири санасида ҳисоблашлари лозим.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.





## ДИКҚАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига



### ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертампдан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмиёлаштиришни таклиф этамиз.

#### ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмиёлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;

2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;

3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва хўжалик ҳуқуқи масалалари бў-



йича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва ресторанлар, дўкон ва сервис марказлари) да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Normальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Poytaxt» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд қилари билан қўлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

## ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истикомат қиладиган), куйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича (ўзи танлаган нашрларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишینی билдирадиган шахс (*бундан кейин – Обуначи*) билан **мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини** (*бундан кейин – Шартнома*) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманомана-акцепт (*бундан кейин – Акцепт*) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устуналари тўлиқ, қисқартиришларсиз, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (78) 147-11-72 факси, [obuna@norma.uz](mailto:obuna@norma.uz) электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга **Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй** манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Тахририят 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига кўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептнинг олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ **2020 йил 25 декабрьдан кечикмасдан** тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдидан тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлимлари орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ кайд этилган нашрларни навбатдаги сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Тахририят нашрлар чиқарилишига қараб ҳар ой якуни бўйича Обуначига электрон ҳисоббарак-фактура тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон ҳисоббарак-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаши шарт.

12. Акцепт мuddати **2020 йил 25 декабрьгача қилиб белгиланади**. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзга келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни етказиб бериш уюмасдан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар натижасида энгиз бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – **2020 йил 25 декабрьгача**.

### 19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,

Навоий кўч., 22

Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.

Тошкент ш. «КДВ Bank Uzbekistan» банкида МФО 00842

СТИР 305504530, ИФУТ 58130

КҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326010039431.

Тел./факс (78) 147-11-72.

**Фарҳод ҚУРБОНБЕКОВ,**  
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»  
МЧЖ директори.

**БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ**

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_  
(Обуначининг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномасига мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)  
асосида амал қилувчи

(ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низоми ва б., шунингча)

\_\_\_\_\_ ТИМСОЛИДА,

(Обуначи ваколатли вакилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), унинг лавозими)

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 46 (1370)-сонида эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2021 йил учун куйидаги нашрларга обуна бўлади:

Индекс	Нашрнинг номи	2021 йил учун обуна нархи (тўлов кундаги МҲТЭКМда)	Нусхалар миқдори (дона)	Умумий сумма (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	2,3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	1,6		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1,2		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	2,3		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	1,6		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади.

(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси					

Минтақа /Вилоят \_\_\_\_\_, шаҳар/туман, \_\_\_\_\_

(шаҳарча, хўжалик, қишлоқ, кўча, даҳа, мавзе, уй, кв., хона)

Мўлжал \_\_\_\_\_

4. Боғланиш учун телефон: \_\_\_\_\_

5. Алоқа боғловчи шахс: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Обуначи реквизитлари:

СТИР \_\_\_\_\_

ИФУТ \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: \_\_\_\_\_

Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Факс \_\_\_\_\_

Х/р \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банк \_\_\_\_\_

Банк коди \_\_\_\_\_

(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси,  
исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

## ДОРИ – ДАРМОН, ДАРОМАД МАНБАИ ЭМАС

**Катта қийматдаги дори воситаларининг  
ноқонуний савдоси тўхтатилди**

Аҳолининг дори-дармонга бўлган талабини қондириш, қонуний йўл билан тиббиёт воситалари савдоси билан шуғулланиш ўта савобли ва фойдали иш. Аммо ҳозирги пандемия даврида аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи ортишидан фойдаланиб, кингир йўллар билан даромад орттириш инсонийлик ва қонун тамойилларига тўғри келмайди. Божхона ходимлари ана шундай ҳолатларга қарши кескин чора-тадбирлар олиб бормоқда.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари билан ҳамкорликда тиббий дори воситаларнинг ноқонуний айланувиغا қарши курашиш борасида Тошкент вилояти ҳудудида тезкор тадбир ўтказишди. Тадбирда қузатувга олинган фуқаро Д.М. бошқарувидаги «Кобальт» автомобили Оҳангарон шаҳридаги автотураргоҳлардан бирида тўхтади. Шу вақтда тезкор гуруҳ ҳолислар иштирокида автотранс-


порт воситасининг салони ва юкхонасини кўздан кечиришди.

Натижада унинг ичида «шартли харидор»га сотиш мақсадида олиб келинган чет элда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами қиймати қарийб 111 млн сўмни ташкил этувчи 693 дона дори воситалари борлиги аниқланди.

Сифати кафолатланмаган ушбу дорилар ашёвий далил сифатида олинди ва ҳозирда суриштирув ишлари бошлаб юборилган.


**190 миллион сўмдан ортик  
товар-моддий бойликларнинг  
юртимизга ноқонуний  
кириб келиши  
олди олинди**

Олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамай, айрим фуқаролар божхона тўловларидан бўйин товлаш, божхона чегаралари орқали товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтиш-



га ҳаракат қилган ҳолатлар хали ҳам учраб турибди. Сирдарё вилояти божхона бошқармаси «Сирдарё» ҳамда «Ховособод» чегара божхона постлари ходимлари ўзаро ҳамкорликда шундай қонунбузилиш ҳолатини фош қилишди. Қўшни давлатдан юртимизга ўтиш учун ҳаракат қилган У.И.га тегишли «DAF» русумли юк автотранспорт воситаси божхоначилар томонидан белги-ланган тартибда кўздан кечирилганда, унда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган, оғзаки савол-жавоб вақтида ҳам маълум қилинмаган, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган қиймати қарийб 191 млн сўмлик 10 турдаги товарлар борлиги аниқланган.

*Сирдарё вилояти  
божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.*



## ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**?** Самолётлар учун дезинфекциялаш воситасини импорт қиламиз, бизга айтишларича, унга экологик сертификация керак эмас.

**Экологик сертификация талаб қилинадиган товарлар рўйхати мавжудми-йўқми, шунини билмоқчи эдик. Қонунчиликка биноан у қандай ўтказилади?**

– Мажбурий экологик сертификатлашни зарур бўлган маҳсулотлар ва чиқиндилар номенклатураси ВМнинг «Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва уларни унинг худудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига (19.04.2000 йилдаги 151-сон) 1-иловада тасдиқланган. Унга қуйидаги 4 та рўйхат киришини этиборингизга ҳавола қиламиз:

• **А рўйхат.** 1989 йилдаги Базель конвенциясига мувофиқ импорт ва экспорт давлат томонидан тартибга солинадиган мажбурий экологик сертификатлаштириладиган чиқиндилар;

*Маълумот учун. Маҳсулотнинг чиқиндилар рўйхатига кириши унинг ТИФ ТН бўйича коди билан ҳам, номи билан ҳам аниқланади (физик ва кимёвий хусусиятлари билан).*

• **Б рўйхат.** Трансчегаравий ҳаракатланиши 1989 йилдаги Базель конвенциясига мувофиқ давлат томонидан тартибга солинадиган мажбурий экологик сертификатланадиган чиқиндилар;

*Маълумот учун. «Қолдиқлар» тушунчасига, ага у ёки бу материал бошқа позицияларга киритилмаган бўлса, қул, қолдиқ, дресс, съём, оқалин, чанг, қукун, лой кўринишидаги чиқиндилар қиради.*

• **В рўйхат.** БМТнинг 1988 йилдаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича конвенциясига мувофиқ экологик сертификатланадиган хавфли кимёвий моддалар ва прекурсорлар;

• **Г рўйхат.** БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ва БМТнинг Озёқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан халқаро савдода тақиқланган ёки қатъий чекланган потенциал заҳарли кимёвий моддалар.

Мажбурий экологик сертификацияланадиган маҳсулот ва чиқиндиларни ЎзР худудига олиб кириш ва унинг худудидан олиб чиқишга рухсат бериш учун Давлат экология қўмитасининг экологик сертификатлаш органлари ёки «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитациядан ўтган худудий органлар берган ёхуд тан олган экологик сертификат асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экологик сертификациядан ўтказиш ва экологик хавфли маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни унинг худудига олиб кириш ва унинг худудидан олиб чиқишни бошқариш тартиби ВМнинг 151-сон қарорига 2-иловада тасдиқланган. Унда эко-

логик хавфсизликни тасдиқлаш талаб қилинадиган маҳсулот ва чиқиндиларни ЎзР худудига олиб кириш, унинг худуди орқали транзит олиб ўтиш ва бу худуддан олиб чиқиш қоидалари белгиланган. Ушбу тартиб республика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга, республика худудига олиб кириладиган ва ташиладиган, мажбурий экологик сертификатланадиган маҳсулот ва чиқиндиларга нисбатан қўлланилади.

Экологик сертификация тадбиркорлик субъектининг аризасига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берилган санадан бошлаб кўпи билан 5 иш кунини амалга оширилади.

Экологик сертификат (ёки унинг нусхаси) товарни жўнатувчи ёки олувчи томонидан божхона органига тақдим этилади ҳамда товар божхона чегарасидан ўтказилишидан олдин текширилади. У экологик сертификатлаш органининг имзоси ва муҳрларининг асл нусхалари, Миллий сертификатлаш тизимининг давлат реестрида рўйхатдан ўтганлиги рақами ва санаси бўлган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Сертификатланган товарга БЮД расмийлаштирилганда етказиб берувчи унинг 44-устунида экологик сертификатни берган органининг қисқа номи, сертификат рақами ва у берилган санани, шунингдек, агар у ўрнатилган бўлса, унинг амал қилиш муддатини кўрсатади.

Экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндилар сертификацияланиши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда уларнинг сертификацияланиши белгиланган тартибда амалга оширилади. Синовларни ўтказиш учун жўнатувчи ёки қабул қилиб олувчи божхона органида сақланаётган товарларнинг намуналарини олишга ҳақлилар. Улар норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ синов ўтказиш учун зарур бўлган миқдорда олинади. Намуналарни олиб қўйиш белгиланган тартибда божхона органлари назорати остида амалга оширилади.

*Маълумот учун. Тартиб талабларини бузган ҳолда ЎзР худудига олиб кириладиган ва унинг худудидан олиб чиқариладиган экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндиларнинг ўтказилишига рухсат беришмайди. Бундай маҳсулот божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида биноан белгиланган қоидаларга мувофиқ сақланади. Ушлаб турилган маҳсулот ва чиқиндиларни ўтказиш тўғрисидаги қарорни божхона органи тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда текширилгандан кейин қабул қилади.*

## АСОС – СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ МОДДАСИ

**?** Божхона божининг ноль даражаси қандай асбоб-ускуналарга нисбатан қўлланилишини айтиб берсангиз. Бу қайси ҳужжатларда назарда тутилган?

– Ўхшаши Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар солиқ солишдан озод этилади (СК 246-м.).

Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхати ИВ, МВ, ТИАИСВ ва ДБК қарори билан тасдиқланган (АВ рақами 2436, 20.03.2013 й.).

Импорт божхона бож ва ҚҚС тўлови бўйича имтиёзлар ушбу Рўйхатга ТИФ ТН кодлари киритилган янги технологик ускуналарга қўлланилади. Шунингдек бу имтиёзлар бутловчи ва эҳтиёт қисмларга, агарда улар битта контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга аж-

ралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда тағбиқ қилинади.

Бунда янги технологик ускуна деганда – «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида божхона расмийлаштируви вақтида, унинг ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускуна тушунилади. Олиб келинадиган технологик жиҳозларнинг ишлаб чиқарилган йилини тасдиқлаш учун божхона расмийлаштируви пайтида олиб киритилаётган технологик жиҳознинг ишлаб чиқарилган йилини тасдиқловчи ишлаб чиқарувчи заводнинг техник паспорти ёки жиҳозларни улар томонидан ишлаб чиқарилганлиги, жумладан ишлаб чиқарилган йили тўғрисидаги тегишли маълумотларни ўз ичига олган ишлаб чиқарувчининг ҳужжати тақдим этилади.

## БРУТТО – ТОВАРНИНГ УМУМИЙ ОҒИРЛИГИ, БУНГА ПОДДОНЛАР ҲАМ КИРАДИ

**?** Товар экспорт қилинаётганда ўзига хос ўрамда 26 та маҳсул поддонларга юкланади ва импорт қилувчига жўнатилади. Бу ҳолда поддонларнинг вазни МДП/СМР дафтарчаси ва ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилиши, яъни юкнинг брутто вазнига киритилмаслиги ҳамда БЮДнинг тегишли устунида поддонларсиз ёки аксинча деб кўрсатилиши керак. Ҳар икки ҳолда ҳам биз кўпинча чегарада муаммоларга дуч келамиз. Ўзаро истисно қилувчи талаб – бруттонинг камайтирилиши (поддонларсиз) ёки поддонлар оғирлигининг қўшилиши – молиявий чиқимларга олиб келади ва кўпинча экспортни кечиктиради.

Поддоннинг вазнини товарнинг умумий оғирлигига киритиш ёки киритмаслик учун ҳуқуқий асос мавжудми? Бизнинг миллий қонун ҳужжатларимиз ва халқаро конвенцияларда бу борада қандай тартиб назарда тутилган?

**Жавоб** ЎзР ДБК Божхона назоратини ташкил этиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган:

– Экспорт божхона режимида жойлаштирилган товарлар божхона органларига Божхона юк декларациясини тўлдирish тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (АВ рақами 2773, 6.04.2016 й.) 21 ва 22-бандларига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этиш орқали декларацияланади. Ҳужжатга кўра, 35-«Брутто вазни (кг)» устунида БЮДнинг

31-устунида декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «брутто» оғирлиги кўрсатилади. «Брутто» оғирлик деганда товарнинг умумий оғирлиги, шу жумладан товар муомалага киритилгунга қадар ҳолатини ўзгармаслигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган унинг барча турдаги ўрамлари билан биргалликдаги оғирлиги тушунилади, контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно. Бунда брутто вазн ма-

16-бетда

# БРУТТО – ТОВАРНИНГ УМУМИЙ ОҒИРЛИГИ, БУНГА ПОДДОНЛАР ҲАМ КИРАДИ

15-бетда кўра вергулдан кейинги 3-рақамгача яхлитланади (Йуриқнома 22-б. 30-кичик банди).


**Маълумот учун.** 31-«Юк жойлари ва товар тавсифи». «Маркировка ва миқдор – контейнерлар рақами – товар тавсифи» устунда 2 рақами остида ўрамга эга бўлган товарлар учун – товар эгаллаган юк жойларининг умумий сони, товар ўрами тури ва ўрамлар миқдори кўрсатилади. Агар ушбу устунда декларацияланаётган товарлар юк жойларининг ҳаммасини эгалламаса устунда «кутининг бир қисми» ва шунга ўхшаш ёзувлар ёзилади. Бунда ўрам деганда товарларни ўраш, ҳимоялаш, жойлаштириш ва мустаҳкамлаш ёки ажратиш учун мўлжалланган ҳар қандай буюм ва материаллар тушунилади, уюм ҳолда олиб ўтиладиган ўраш материаллари (сомон, қоғоз, ишиш тола, қипиқ ва шу кабилар) бундан мустасно.

Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл varaқалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага (АВ рақами 1382, 2.07.2004 й.) асосан юклар халқаро йўналишда ташишганда СМР шаклидаги халқаро товар-транспорт юкхати тузилиши билан тасдиқланадиган Юкларни йўлларда халқаро ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция шартларига мувофиқ жўнатувчи (юкнинг эгаси) билан ташувчи ўртасида ташиш шартномаси тузилади. СМР юкхати томонлар ўртасида шартнома мавжудлигини тасдиқлайдиган юридик ҳужжат ҳисобланади (40-б.).

1382-сон Йўриқномага мувофиқ «Юк тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида 13-«Брутто оғирлиги, тонна» устунига товар-транспорт юкхатининг товар бўлимидаги «брутто оғирлик» қаторида кўрсатилганга ўхшаш юк оғирлиги кўрсатилади. Оғирлик ташилаётган юкларнинг номлари турлари ва юкнинг умумий вазни бўйича 0,01 тоннагача аниқликда тонналарда ёзилади.

Биобарин, 9-«Ўринлар сони» устунига 1-устунда қайд этилган юк номларининг ҳар бири ва ўрашнинг ҳар бир тури бўйича ўринлар сони алоҳида ёзилиши керак. Хусусан, юк пакетлари поддонларда (тагтоғораларда) ташилганда пакетлар сони кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари, 1975 йилдаги юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини қўллаш тартиби тўғрисида низомга (АВ рақами 10.12.1996 йилдаги 290-сон) 2-иловада МДП дафтарчасини тўлдириш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ 11-«Брутто вазни» устундаги йиртилмайдиган 1/2-варақда (сарик рангли) товарларнинг ҳар бир юк бўлими ёки контейнери бўйича брутто вазни (ўрами билан) кўрсатилади. Бунда, агар МДП дафтарчаси транспорт воситалари таркиби ёки бир нечта контейнерлар учун берилган бўлса, у ҳолда ҳар бир транспорт воситаси ёки контейнернинг ичидаги нарсаси алоҳида кўрсатилади. Агар ташиш маршрути бир нечта божхона жўнатмалари ёки мўлжалланган манзиллар орқали олиб ўтилса, у ҳолда товарлар ҳақидаги маълумотлар ҳар бир божхонада алоҳида киритилади.



## АҚШ ЎЗБЕКИСТОНГА БОЖХОНА БОЖИСИЗ САВДО РЕЖИМИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Октябрь ойининг охирида АҚШ президентининг Ижроия аппарати ҳузуридаги Савдо вакили офиси (USTR) меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялаш мезони бўйича Ўзбекистонга нисбатан Преференцияларнинг бош тизимини (ПБТ) қўллашни қайта кўриб чиқиш тартиб-таомиллари тугатилиши тўғрисидаги қарорни ошқор этди. Ушбу қарор билан USTR АҚШ билан божхона божисиз савдо қилиш режимини қўллаш ҳуқуқини Ўзбекистонда қолдирди ва шу орқали республикага нисбатан мажбурий меҳнат тўғрисидаги 12 йил олдинги ишга нуқта қўйди.

Преференцияларнинг бош тизими – савдо тўғрисидаги 1974 йилдаги қонунга мувофиқ ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилишга нисбатан ўрнатиладиган АҚШ ҳудудига товарларни божхона божисиз олиб кириш режими ҳисобланади. Ўзбекистонга ПБТ бенефициари мақоми (АҚШга божхона божларисиз етказиб бериш) 1994 йилнинг августда тақдим этилган эди.

Жорий йилнинг 30 январда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Савдо вакилининг офисига «Меҳнаткашлар ҳуқуқлари учун халқаро форум» (ILRF) петицияси бўйича ўтказилган жамоатчилик эшитувларида иштирок этди. Биобарин, ҳар йиллик бундай эшитувларни ўтказиш ташаббуси кўрсатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан 2008 йилда илгари сурилган бўлиб, у мунтазам мажбурий меҳнатдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонга нисбатан божхона божисиз савдо қилиш режимини бекор қилишни талаб қилар эди.

Томонлар тақдим этган иддаолар ўрганиб чиқилгач, эшитувлар якуни бўйича USTR Ўзбекистоннинг божхона божисиз савдо қилишига нисбатан преференцияларни қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосага келди.

Ўз хулосасини шарҳлар экан,

АҚШнинг Савдо вакили Роберт Лайтхайзер мазкур қарорнинг қабул қилинишида меҳнаткашлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш режимини яхшилаш учун Ўзбекистон томонидан қабул қилинган муҳим қадамлар ўрганиб чиқилганлигини таъкидлади. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан олиб борилган мониторинг натижаларига ҳавола қилинган ҳолда ҳукумат қабул қилаётган чоралар ва қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар оқибатида сўнгги 5 йил ичида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан тизимли фойдаланиш бекор қилингани эътироф этилган. Ўзбекистоннинг бошқа муҳим ютуқлари қаторида Савдо вакили пахта теришдаги мажбурий ҳажмларнинг бекор қилиниши ва пахтакорларга тўланадиган ҳақ миқдорининг кўтарилишини санаб ўтган, бу орқали эса ихтиёрий меҳнат учун шароитлар яратилган.

Дарвоқе, 2019 йилнинг октябрида АҚШ Савдо вакили офиси бизнинг Вашингтондаги дипломатик ваколатхонамиз иштирокида шунга ўхшаш тингловлар якуни бўйича Ўзбекистонга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялашни таъминлаш мезони бўйича 1999 йилда бошланган амалиётни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ахбороти асосида.



«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p><b>СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Норма» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Норма» АКТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	--	---	---